



Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

**2**  
Сайлов ҳақида сара фикрлар...  
Тинчлик фаровонлик келтиради

**3**  
Қайноқ меҳримиз, самимий тилакларимиз сизга, азиз маҳаллодошлар!

**4**  
Антиқа харита тақдири...  
Бошингизни қотирмайдиган "бошқотирма"

## 2005 йил - СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

**МУШТАРИЙЛАРГА!**  
Мана қўлингиздаги газета йилнинг энг сўнгги сони. Йил давомида сиз "Mahalla"дан қай даражада кўнглингиз тўлди? Бу ҳақда сиз албатта таҳририятга маълум қиласиз, деган умиддамиз ва бу шубҳасиз кириб келётган янги йилмиз — Сиҳат-саломатлик йилидаги режаларимизда газета саҳифаларини янада сермазмун, муштарийлар талаби даражасида дунёга келтиришда асосий роль ўйнайди. Биз — таҳририят ходимларининг янги йилда сиз — муштарийларга атаган тухфалари — яъни рангбаранг мавзулари бисёр. Гап унинг сизларга етиб боришида қолган. Бунинг учун обуна бўлиш энг маъқул йўл. Ҳа, айтмоқчи, янги йилда обуначиларимиз сони янада ошиди. Аммо... Тўғриси, бугун обуна мавсумида галвирни сувдан бир кўтариб кўрдик. Ҳар йилгидек, Сирдарё, Хоразм вилоятидаги кўпгина фуқаролар йиғинлари, уларнинг фаоллари, шу тизимга оид фаолият юритувчи бошқа мутасаддилар йилни "Mahalla"сиз бошлашдан бўлдилар. Бу вилоятларда бор-йўли 141, 149 дондан йилнинг маълум қисмигагина обуна бўлинган. Йўқ, бу кўрсаткичлар оқибатида "Mahalla" муштарийсиз қолмади, ёки улар сони камаймади, аксинча кўпайди. Аммо бу йиғинлар ва унинг фаоллари "Mahalla"сиз қолишди. Буниси ачинарли. Чунки "Mahalla" маҳалла фаолининг энг яқин кўмақдоши. Шунингдек, бошқа кўпгина ҳудудлардаги баъзи бир йиғинларимиз ҳам йилни шундай бошлашди. Ҳечдан кўра кеч яхши, деган нақл бор. Азиз, маҳаллодош сиз балки йилнинг февраль ойидан бошлаб газета олишга улгуришни истасангиз бугун оқибатини бошлашга шошилсинг.

— ЯНГИ ЙИЛИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ЯНГИ ПОҲОНАГА КЎТАРИЛИШИДА УНИНГ МОДАЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ БЎЛАДИ. НАҲАҚАТ БУТУНГИ БАЛКИ ЭРТАНГИ ҲАЁТИМИЗ УЧУН ХАМ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МАНА ШУНДАЙ МУҲИМ МАСАЛАНИ КУН ТАРТИБИГА ҚўЯР ЭКАНИМИЗ БИЗ БУНИ МАВЖУД ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ҚАРАМАСДАН, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН РИВОЖЛАНИШ ИҚТИСОДИЯТИМИЗНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ОРТИБ, САЛОҲИЯТИМИЗ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ТОБОРА ОШИБ БОРАЁТганининг ЯНА БИР БЕЛГИСИ ВА ТАСДИҒИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИМIZ ЎРИНИ БЎЛАДИ ДЕБ УЙЛАЙМАН.

— ЯНА ТАҚРОР АЙТМОҚЧИМАНКИ, ИНСОН — ТАБИАТИНИ ҲАЁТ ДАВОМИЙЛИгини АСРАГАН БЎЛАДИ. БУНДАЙ ЭЗГУ ОРЗУ-МАҚСАДЛАР УЧУН ХАМ ДАВЛАТ, ХАМ ЖАМИЯТ, ХАМ ШУ ЮРТДА ЯШАЁТГАН ОДАМЛАРНИНГ КУЧ-ҚУРАТИ ВА ҲИССАСИНИ БИРЛАШТИРИШИМИЗ ЗАРУР.

МЕН ЯХШИ НИЯТ БИЛАН ЭЪЛОН ҚИЛАЁТГАН СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИДА БУТУН ХАЛҚИМИЗНИ МАНА ШУНДАЙ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ БИЛАН ЯШАШГА ДАЪВАТ ЭТМОҚЧИМАН.

АЗИЗЛАРИМ, ОЛЛОҲ ТАОЛО БЕРГАН СОҒЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК. ЧУНКИ СОҒЛОМ ОДАМГИНА ЧИНАКАМ БАХТЛИ БЎЛАДИ. ЧУНКИ ФАҚАТГИНА СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ.

Ислом **КАРИМОВ**



Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

"Президент Арчаси" тантаналари Янги йил байрами арафасида болажонларимиз қалбига олам-олам қувонч бахш этувчи анъанавий тадбирга айланганига кўп йил бўлди. Ушбу йилда ҳам бу анъана давом этди, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган кўп болали оилалар фарзандлари "Президент Арчаси" атрофида жам бўладилар. Бугун бу тантана пойтахтдаги мухташам "Халқлар дўстлиги" саройида ўрнатилган баланддан-баланд "Президент Арчаси" атрофида янги йил томошаси билан бошланади. Вилоятларда ҳам бу тантаналар давом этади.

### САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки яқунлари эълон қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев сайловда сайловчиларнинг 12 миллион 197 минг 159 нафари, яъни 85,1 фоиз қисми овоз бергани сайловнинг бўлиб ўтганлигидан далолат эканини таъкидлади.

Сайловни ўтказишда Марказий сайлов комиссияси уч босқичдан иборат Ҳаракатлар дастурига асосланиб иш олиб борди. Аввало, сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг июль-август ойлари давомида сайлов тўғрисидаги янги қонунлар қондаларини аҳолига кенг тушуштириш мақсадида турли анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди. Зарур адабиётлар нашр этилди ва жойларга тарқатилди.

Иккинчи босқич сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинган кундан эътиборан сайлов жараёни расмий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни ўз ичига олди. Хусусан, сайлов округ ва участкалари ташкил этилди ва жиҳозланди, округ ва участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. Сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш доимий эътиборда бўлди.

Ҳозирги, учинчи босқич вазифалари даставвал овозларни санаб чиқиш, округлар ва бутун мамлакат бўйича сайлов яқунларини чиқариш билан боғлиқ тадбирларни кўзда тутди. Марказий сайлов комиссияси раиси бу борадаги ишлар қонунда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилаётганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссиясининг сайлов натижалари тўғрисидаги қарори ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхати ўн кунлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

ЎЗА

### Сайловлар хорижлик кузатувчилар талқинида

## ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИДА ОЗОД ЮРТ ҲАЁТИ

Сайлов демократик тамойиллар асосида ўтказилдими? Қонунбузарликларга йўл қўйилдими? Бу ҳусусда халқаро кузатувчиларнинг фикрлари қандай?

26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, маҳаллий кенгашларга депутатлар сайланди. Сайлов ўқатқаларида ҳар бир фуқаро ўзи маъқул деб топган номзодга овоз берди.

Миср Араб Республикасидан таширф буюрган Муҳаммад Ал-ҚАЮМИЙ Миср пойтахти Қоҳира яқинидаги Қаллубия вилояти депутатлар кенгашининг раиси сифатида фаолият юритади. Шу билан бирга тижорат палатасининг бошлиғи ҳамдир. Муҳаммад Ўзбекистонга биринчи бор келди.

— Мен Ўзбекистонни қадимий ва бир вақтнинг ўзида жуда чиройли мамлакат деб топдим. Юртингиз ҳақида аввал ҳам кўп эшитган эдим. Айниқса, истиқлолга эришганидан сўнг унинг қисқа давр ичида бугунгидай ривожланган давлат мақомига эга бўлгани мени ҳайратлантирди.

— Аввал ҳам бошқа мамлакатлардаги сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганмисиз?

— Ҳа, Мисрдаги фаолиятим бевосита шу масалалар билан боғлиқлиги тўғрисида бир неча давлатда кенгаши билан жараёнларда халқаро кузатувчи вазифасини адо этганман. Жумладан, Америка Қўшма Штатларидаги президент сайловларида, Жазаир, Тунис каби давлатлардаги сайловларда иштирок этдим.

— Юртимизда ўтказилган сайлов, бу борадаги халқаро андозаларга қай даражада мос ўтди деб ҳисоблайсиз?

— Кузатувчи сифатида шуни айта оламаники, Ўзбекистонда 26 декабрда ўтказилган



марали бўлсин. Яна яхши кунларда учрашишни яратган эгам насиб этсин.

сайловлар халқаро стандартларга жавоб беради ҳамда демократик тамойиллар асосида олиб борилди. Марказий сайлов комиссиясида ва бир неча сайлов округи, участкаларида бўлиб жараёни кузатдим. Жойларда ишлар тўғрисида ташкил этилди ва яхши олиб борилди. Фуқароларнинг сайлов жараёнидаги фаол иштироклари эътиборимни тортди. Сайловчиларнинг бемалол, ҳеч қандай тазйиқларсиз овоз беришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Қонунбузарликларга йўл қўйилмади.

Шунингдек, маҳаллий кузатувчиларнинг фаоллиги, уларнинг ҳаққоний ишларини менга ёқди. Уларнинг ақсарияти билан суҳбатлашиб чиқдим ва сайлов ҳақиқатдан ҳам демократик тамойиллар асосида ўтказилганига яна бир бор амин бўлдим.

— Ҳеч қандай камчиликлар кузатмадингизми?

— Йўқ, асло. Чунки номзодлардан, сайлов комиссияси аъзоларидан ҳеч бири ноқонуний хатти-ҳаракат қилмади, қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймашлиқда мутасадди ташкилот ва шахсларнинг роли бекиёс бўлди, деб ҳисоблайман.

— Ўзбекистон, юртимиз аҳлига тилакларингиз...

— Ушбу жаннатмакон дийр доимо тинчлик-осойишталик ҳукм сурайдиган, кут-баракат аримайдиган юрт бўлиб, халқининг чеҳрасидан табассум аримасин, бошлаган барча эзгу ишлари самарали бўлсин. Яна яхши кунларда учрашишни яратган эгам насиб этсин.

2-саҳифага

### "Mahalla" ахбороти

## МИНТАҚАДА МУАММОЛАР ЕЧИМИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТД)нинг "Барқарор даромад манбаларини шакллантириш" лойиҳаси доирасида Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этилган давра суҳбати Қашқадарё вилоятининг минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланди.**

Унда Шаҳрисабз тумани ҳокими А.Эрдонаев, вилоят иқтисодиёт бош бошқармасининг бошлиғи М.Ҳайитмуродов, БМТДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили, маслаҳатчиси Леван Боудзёе ва бошқалар вилоят салоҳияти ва унинг мамлакат иқтисодиётида туган ўрни, воҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда тараққиётга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳақида ўз фикр, мулоҳазаларини баён этдилар. Аҳолининг даромадлари ҳамда турмуш даражасини юксалтириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар тўғрисида ҳам кенг фикр юритилди.

БМТД лойиҳаси ижрочилари вилоятда минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳаётий зарурият эканлигини алоҳида қайд этиб, ушбу жараёнда нафақат ҳокимият идоралари, балки халқаро ташкилотлар, нодавлат-нотижорат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолининг барча қатламлари қатнашиши зарурлигини алоҳида қайд этдилар.

Осиё Тараққиёт банки, Европа Иттифоқининг ЕуроАид дастури, Тошкентдаги иқтисодий тадқиқотлар маркази, вилоят иқтисодиёт бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам Қашқадарёнинг минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга оид кўплаб қимматли мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" муҳбири.

### Қорақалпоғистон Республикаси

## МЎЙНОҚЛИКЛАР УЧУН МУРУВВАТ ТАДБИРИ

**Меҳр ва мурувват йилининг яқунловчи ойи экологик офат маркази ҳисобланган Мўйноқ туманининг 200 хонадонига хуш хабар келтирди: ёрдамга муҳтож, экологик мураккаб шароитда яшаётган мазкур оилаларга умумий қиймати 12 миллион сўмлик 1160 донга турли кийим-кечаклар берилди.**

Мўйноқ шаҳридаги 1-маҳаллада яшовчи 100 га яқин оилалар эса хорижда тикилган бежирим кийимлар билан таъминланди. Мазкур тадбирни Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиали амалга оширди.

Маълумки, бундан анча илгари Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ва Корея республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Кореянинг "Omni World Organization" (Оннури Вэлдфэйр Организацион) хайрия ташкилоти ҳамкорлигида Оролбўйида истиқомат қилувчи ҳожатманд оилаларга ёрдам тариқасида 400 минг АҚШ доллари қийматида инсонпарварлик юклари келтирилган эди. Ана шу юкларнинг катта қисми Хўжайли, Нукус шаҳарлари ва Тўртқўл туманидаги Меҳрибонлик уйлари, Ногиронлар жамиятларига тарқатилди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" муҳбири.

### ЖАМҒАРМА БЎЛИМИ ФАОЛИЯТИ: САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

**Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг ушбу Меҳр ва мурувват йили сарҳисоби ва кириб келаётган янги — Сиҳат-саломатлик йилидаги режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда вилоят туман ва шаҳарлари Оқсоқоллар кенгашлари, "Маҳалла" жамғармаси бўлими ва мутасаддилари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар иштирок этдилар.

Йиғилишда, жумладан, ташкилий масалалар ҳам муҳокама этилиб, Уктамжон Ҳайдаров вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси лавозимига сайланди. Йиғилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг асосий наشري ҳисобланган — республика "Mahalla" газетасига келаси йил учун обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш аниқ кундаги долзарб масалалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

МУҲБИРИМИЗ

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Техник маъруза:

Ташкилоти:

«Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

«М.А.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

(Давоми. Аввали 1-саҳифада.)

Саиловлар хорижлик кузатувчилар талқинида

# ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИДА ОЗОД ЮРТ ҲАЁТИ

Туркистонлик америкаликлар ассоциациясининг аъзоси Лутфулла ТУРЕ:

— Мен мамлакатда мазкур сайловларни уюшқоқлик билан ўтиши учун пухта тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини кўрган эдим. Айнан унинг ошқора ва очик, адолатли ва демократик тарзда ўтаётганлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Мен мазкур сайлов чоғида Навоий вилоятида, хусусан, Зарафшон тилла кони сайлов округларида иштирок этдим. Муҳим бир сиёсий тadbирнинг юқори савияда ўтиши учун яратилган барча шарт-шароитлар муҳайё эди. Бу эса мамлакатдаги катта, кенг қамровли ҳаёт-бахш ўзгаришлар, янгиланишларнинг кўринишидир. Сайлов қутиларининг шаффофлиги ҳам кўзбўяма-чиликка йўл қўймаслик чораларидан бири деб билдим. Миллатидан қатъий назар Ўзбекистон паспортини кўлига тутиб ўзлари танлаган номзодларига, муносиб кўрган кишиларга овозларини берардилар. Бир чўпни синдириш мумкин, аммо юз чўпни бирдан синдириб бўлмас. Зеро, куч ҳам бирликдadir. Мен ўзбекистонликлар тимсолида ана шундай бирликни, яқдилликни кўрдим.

Мазкур сайловлар чоғида қонунбузарлик ҳолатларини кузатмадим. Округларда бирор бир шикоят ҳам тушмади, қонунга хилоф тарзда бирор бир ҳаракат бўлганлигини кўрмадим. Адолатли ва ошқора, уюшқоқлик билан бўлиб ўтган сайловлар демократия тимсолидир. Бу эса демократик принциплар асосида тараққий этиб бораётган Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамияти олдида маъқеи янада ошиб бораётганлигини кўрсатади ва кўзлаган буюк мақсадларига албатта эришаётганлигига умид билдиради. Зеро, адолат пойдевори га қурилаётган эркин ва озод юртинг, халқнинг, миллатнинг келажаги буюқдир.

Шахсан мазкур сиёсий тadbирда иштирок этишим мен учун катта шараф. Зеро, ўн уч ёшли мустақиллик пиллапояларидан одимлаб келаётган Ўзбекистон энди жаҳон ҳамжамияти олдида шахдам қадам ташламоқда. Мен ўтган йил ҳам Тошкентга

келган эдим. Ташқаридан келган одам ўзгаришларни дарҳол пайқайди. Бу чиройли кўчалар, ҳашаматли бинолар, хиёбонлар шаҳар кўркини намойиш этиб турибди. Тарихан кўҳна, аммо ёш мустақил давлатда яхшиликлар сари, фаровон турмуш сайин илгари қадам ташланаётганлигининг шохиди бўлиб турибман. Бозорлар тўла харидориг мевалар, ошхоналарда турли-туман таомлар бисёр, хизмат кўрсатиш ҳам юқори савияда. Тўкинликни кўриб суюниб кетасан. Машойихлар бир чўп билан ер чи-зиб ўтирган одамни ҳам ишлаётганлар, меҳнат қилаётганлар қаторида кўрганлар. У одамнинг фақат ер чизибгина эмас, балки ҳарф ёзаётганлиги, савод чикараётганлиги эътироф этилгандир. Мамлакатда ўқишга, илм олишга жуда эътибор катта. Кўплаб замонавий тарзда қурилган янги коллежлар, лицейлар, ўқув даргоҳларини кўрдим. Ўқишга, маърифатга, илм-фанга иштиёқи банд юртининг келажаги ҳам ойдин, нурлидир.

...Ҳажни зиёрат этмоқ фарздир. Аммо у кишининг аввало ўз юртида дарахт экомғи, бир фақирга қўл узатмоғи, сувсизга сув тутмоғини ҳам катта савоб, ҳам ибодатнинг бир тури деб биламан. Инсон аввало юрт ичида, халқ ичида шаклланади... Юрти учун, халқи учун, ҳамсоёлари ташвишига елка тутиб яшаш ҳам катта шараф. Биз Туркистонлик америкаликлар ассоциациясида ўз юртимизнинг, ватанимизнинг кунларини нишонлаймиз. Ўзбекистон байроғини банд кўтариб, Нью-Йорк кўчаларидан фахр билан олиб ўтамиз. Мен Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамияти олдида ҳамиша нуфузли юрт бўлиб бораверишини тилаб қоламан.

Жавоҳарлал Неру номи Марказий Осиё университетининг "Марказий Осиёни ўрганиш" Дастури директори, профессор К.ВАРИКОУ:

— Мен мазкур сайлов кунини Тошкент шаҳридаги сайлов округларида бўлдим. Эрта тонгдан сайловчиларнинг участкаларга келаётганлигини ҳамда ўзлари танлаган номзодларига овоз бераётганлигини кўрдик. Аҳолининг барча қатлами, ёшидан, жамиятда тугган ўрнидан, маъқеидан қатъий назар мазкур жараёнда бефарқ эмаслигига гувоҳ бўлдик. Мазкур сайловни ҳаққоний, эркин ва ошқора ўтди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон давлати демократик тамойилларига амал қилмоқда, бу юрт Марказий Осиёда муҳим ўрин тутди. Мен гўзал Самарқандни зиёрат қилдим, Тошкентнинг бугунги кунини билан танидим. Қай жойда бўлмайлик юртингиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, умуман барча соҳалардаги каттагина ижобий ўзгаришлардан таассурот олдик.

Мазкур таассуротларимиз тараққий сари дадил интилаётган Ўзбекистоннинг келажаги буюқ эканига ишончимизни орттиради. Ўзбекистон салномасига тарихий бир саҳифа бўлиб кираётган айнан мазкур кунда демократик тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолда ҳаққоний, ошқора, эркин юртимиз тарихида илк бор икки палатали Парламентнинг Қонунчилик палатасига



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ва Сенатни шакллантиришга бўладиган маҳаллий Кенгашларга муносиб номзодлар сайландилар. Улар халқ билан, халқ учун, юрт учун, Ватан учун хизматга чоғландилар.

Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА, Машхураҳон ТҲҲАМИРЗАЕВАлар суҳбатлашдилар.

## Йил муҳфалари

Қорақалпоғистон Республикаси

Туртқўл туманидаги "Қизилқум" ширкат хўжалигининг чорвадорлари хўжалик атрофидаги бепеён йилларда 25 мингга яқин қўй-қўзилар, йилқи ва туяларни боқиб, йил сайин юқори натижаларга эришмоқдалар.

### "ҚИЗИЛҚУМ" га ЗАНГОРИ ОЛОВ

Яқинда хўжаликнинг марказий кўрғонидан ана шу чорвадорлар оилалари учун қувончли кун бўлди. Марказдан олисда, Қизилқум этакларида жойлашган овулдаги 60 та хонадонга табиий газ кириб келди. Бунинг учун марказий трассадан 4,5 километр узунликдаги қувурлар ётқизилиб, катта ҳажмдаги қурилиш-пайвандлаш ишлари бажарилди. Бунда Беруний қурилиш-монтаж бошқармаси махсус бригадаларининг хизматлари тахсинга лойиқ бўлди. Улар мураккаб табиий шароитда 20 миллион сўмлик қувур ётқи-зиш ва пайвандлаш ишларини амалга оширдилар.

Хозирда қурувчилар Қизилқумдаги қолган чўпонлар хонадонларига табиий газ келтириш ишларини давом эттирмоқдалар.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Фаргона вилояти

### ТАДБИРКОР МАҲАЛЛАГА ЭШ БЎЛСА

Қудратали Тўйчиевни Олтириқ туманида танимайдиган одам йўқ. У уста тadbиркор, иш-бизармон ҳамда саховатпеша инсон сифатида кўпчилик хурматини қозонган.

Қудратали мустақиллик йилларида хусусий тadbиркорликни танлаб, ҳамқишлоқлари етиштирган ҳар хил сабзавот, полиз ва мева маҳсулотларини марказ шаҳарларга олиб бориб сотиш билан шуғулланди. Топган пулини уй-жойини ўнлашга, фарзандлари тўйига сарфлади. Уғилларини, ака-укаларини автоуловли қилди. Етим-есирларга, ногиронларга, қийналган оилаларга қўмак берди.

Унинг Меҳр ва мурувват йилидаги саъй-ҳаракати, ҳамқишлоқларига кўрсатаётган муруввати янада салмоқли бўляпти. У ўтган байрамлар олдида маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга юз қоп ун тарқатди. Йид Рамазон ҳайити арафасида рўздор қарияларга юз жуфт қалиш ҳаёда этди. Маҳаллада газ таъминотини яхшилашга, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳисса қўшди.

Маҳаллада яшовчи Иқболжон Абдуллаев уй-жойи йўқлиги, камхаржлиги сабабли уйланомай келарди. Унга уч хонали уй қуриб берди. Тўйда тўйбоши бўлди.

Юксалиш маҳалласи аҳолиси яқинда байрами арафасида яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Хусусий тadbиркор Қудратали Тўйчиевнинг бевосита саъй-ҳаракати ва маблағи ҳисобига гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Гузарда маҳалла учун кўп хонали бино, милличи таняч пункт, поликлиника, алоқа бўлими сингари қатор хизмат шаҳобчалари мавжуд. Гузарнинг очилиши ва байрам муносибати билан бу ерда маҳалла аҳолиси учун дастурхон тузалиб, ош тортилди.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

## Бугун бўлмаса

КАЧОН?!


Азиз муштарий!

2005 йил учун «Mahalla»га обуна бўлишга кечикдим, деб афсусланманг, бугун сиз янги йилнинг 11 ойи учун обуна бўлишингиз мумкин.



Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси

Тошкент вилояти



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Янгийўл шаҳридаги Охунбобоев номи маҳалла худудига жойлашган 9-Ҳарбийлашган ёнгин хавфсизлиги қисми ходимлари маҳалла фуқароларининг ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этишларини таъминлаш ҳамда ноҳусу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

## МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Бунга суд тизимини ислоҳ қилиш, одил судловни амалга ошириш орқали эришилади

Мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида жуда қисқа муддат ичида жиддий қадамлар ташланди. Зеро, "Бу соҳадаги энг муҳим вазифа — суд-хуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолияти сўзда эмас, амалда бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар", деб таъкидлаган эди Президентимиз И.Каримов.

Бунинг учун биринчи навбатда, барча фуқароларнинг қонунларга қатъий оғишмай риоя этишларига эришиш зарур. Қонун ҳамма нарсдан устун турмоғи ва барча учун мажбурий бўлмоғи лозим. Демак, ўз-ўзидан маълумки, жамиятда адолат — қонун устувор бўлиши керак. Бу эса ишонч маънавий қониқлиш, яшашга, ишлашга ташаббускорлик ва ижодкорликка ундаш, давлат ва миллат равнақи учун бош замин бўлади.

Суд давлатнинг муҳим муассасаларидан бири, одил судловни амалга оширишда ягона давлат органидир. Биз одил судловни Республикадаги барқарорликнинг қафолати, фуқаролар тинч-тотувлиги ва ҳамкорлигининг асоси, шунингдек, қонунлар устуворлигининг далили сифатида амалга оширишимиз лозим. Бунинг учун суд ислохотлари йўналишини ишлаб чиқиш ва унга мос келадиган суд механизмининг шакллантириш, қолаверса, хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятидаги қийинчиликларни очик эътироф этиш, суд тизими олдида турган муаммоларни аниқлаш, ислоҳ қилиш, ушбу жараёнда суд тизимини бошқаришининг ички тарихида муювофик келувчи тамойилларни белгилаш, тавсия қилиш, хуқуқни муҳофаза қилиш тизимини қайта қуришининг аниқ хуқуқий ҳамда ташкилий тadbирларини муҳофазага тавсия этиш лозим.

Юртимиз мустақилликни қўлга киритгач, шунга қарата қилинган ҳаракатлар, жамиятда бошланган демократик туб ислохотлар суднинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва ролини

## Огоҳлик ҳар доим зарур

Ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси ўзгача маъно касб этади. Бирга бу болалиги ўтган кўча, уй, бошқасига жонажон ўлкасининг табиати, учинчисига эса ёнма-ён яшаётган инсонлар сифатида қадрли. Тарихий ва маданий қадриятлар, урф-одатлар, халқ тили ва буюк аждодлар — барчаси Ватан тушунчаси замирида мужассам.

## ТИНЧЛИК УЧУН МАСЪУЛИМИЗ!

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг давлатчиликка ва унинг ижтимоий-сиёсий мақомига, ўзи яшаётган уйи ва юртига нисбатан тасавури ўзгарди.

Давлатимиз келажагини устивор қонунимиз — Конституциямиз белгилаб беради. Халқимиз шу Конституцияга муювофик Давлат ҳокимлигининг ягона манбасидир. Ҳар бир инсон Қонун олдида тенгдир. Унинг ҳаёти, фаолияти, эркинлиги ва ор-номуси муқаддасдир. Уларнинг ҳимояси давлатимиз томонидан қафолатланади.

Мамлакатимизнинг яхлитлиги ва бирлигини асраш унинг замирида яшаётган барча кишиларнинг бурчидир. Ватанпарварлик ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун кўзланган мақсаддан оғиштирмай турувчи йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Фақат қалбдан охири одамгина Ватан туйғусидай гўзал ва кўтаринки туйғунини ҳис этмаслиги мумкин.

Биз ота-боболаримиз қаҳрамонликларини унутмаслигимиз ва улардан ватанини асраш, ҳимоя қилиш каби инсоний сифатларни ўрганмоғимиз лозим.

Биз ички ишлар ходимлари фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга масъулмиз. Жамоатчилик тартибини сақлаш, турли жиноий таҳдидлар, террористик ҳаракатларнинг олдини олиш, хавфсизлигини таъминлаш бурчимиз эканини яхши тушунамиз ва юртимиз тинчлигини сақлашда ўз вазифамизни бекаму кўст бажаришимизнинг аҳамияти катталигини англаймиз.

Минг афсуски, ҳали-ҳамон бизни танлаган йўлимиздан оғдириб, илгор давлатлар сафига қўшилишимизга ҳалақит бераётган, боши берк кўчага киритмоқчи, ёшларимизни йўлдан урмоқчи бўлаётган галамизлар, диний экстремистлар топиляпти.

Биз ўзимизни террористлардан сақлашимиз ҳамда уларга шундай қажатгич зарба беришимиз кераки, уларга бу унутилмас сабоқ бўлсин.

Бу борада биз шаҳримиздаги барча масъул идоралар билан ҳамкорликда террористик ҳаракатларнинг олдини олувчи "Тозалаш", "Тун", "Анти-террор", "Қорадори", "Спитамен", "Қурол" каби махсус тезкор ҳаракатларни, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактик тadbирлар олиб бормоқдамиз. Зеро, барчамиз бир юртда яшаб, умргузаронлик қилар эканмиз, ҳаммамиз унинг тинчлигини сақлашга масъулмиз.

Р.ҲАРАОВ, Бекобод шаҳар ИИБ ХООБ профилактика катта инспектори, милиция лейтенанти.

муқаррар равишда белгилаб кунда. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда бу соҳадаги ислохотларга сифат жиҳатидан янгича ёндошилмоқда. Чунонки муқаддас мақсад, энг аввало, суд-хуқуқ тизимининг демократик асосларини яратишдан, умуман олганда, хусусан, судьялар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг менталитетини ўзгартиришдан иборат бўлса, ҳозирги асосий вазифа — эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, уларнинг самардорлиги ва реаллигини сўзда ёки қоғозда эмас, балки амалий ҳаётда фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг зарур қафолатларини таъминловчи демократик принципларни рўйбга чиқариш билан исботлаш лозим.

Фирқимизча, суд-хуқуқ тизимини бундан буюн ислоҳ қилишнинг моҳияти ва маъносини адолат — қонунчи оғишмай рўйбга чиқаришдир, деган ғоядан иборат бўлмоғи лозим. Айни мана шу ғоя суд-хуқуқ ислохотлари тамойилларининг ўзағига, унинг руҳи ва моҳиятига айлангани, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг бутун жараёнига дахл қилиб қолмай, балки жамият — давлат қурилишини бутунлай ислоҳ қилиш жараёнининг таркибий қисмига ҳам айланиши керак.

Уйлашимча, ушбу тақлифларнинг амалда жорий этилиши суд ҳокимиятининг мустақиллигига эришиш ва процессуал ҳаракатларнинг ихчамлашишга қўмақлашади.

А.УСМОНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.



**Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,**

**"Маҳалла" жамғармаси**

**республика бошқаруви:**

**Азиз маҳалладошлар! Якунига**

**етаётган Меҳр ва мурувват**

**йилида амалга оширилган хайр-**

**ли ва эзгу тадбирларингизни**

**янги йилда ҳам давом эттириб,**

**янгидан-янги муваффақиятлар-**

**га эришишингизда барчангизга куч-ғайрат тилаймиз.**

**Имкон эшиклари сиз учун кенг очилсин, бунёдкорлик**

**руҳи қалбингизни тарқ этмасин!**

**2005**

**Янги йил муборак!**

**Азиз Ватандошлар, "Mahalla" муштарийлари! Ку-**

**риб келаётган Сихат-саломатлик йили билан**

**барчангизни самимий қутлаймиз. Янги — 2005**

**йил эзгудикларга, бахту саодатга бой бўлсин, хо-**

**надонларингизга тўкинлик,**

**фаровонлик келтирсин.**

**"Mahalla" янги йилда сизнинг ҳамкорингиз бўлиши**


**учун компаниямиз доим хизматингизда**

**бўлади.**

**Ўзбекистон**

**"МАТВЦИОТ ТАРҚАТЎВШИ"**

**Акциядорлик Компанияси**



**Олам**

**ТУРФ**



**ЭНГ АСОСИИ ЭШИТА БИЛИШ**

Немис аёллари эркакларгаи қандай сифат ва фазилатларни эҳтиршадилар?

Маълум бўлишича, немис аёллари ўз рафиқасини ҳар қандай шароитда ҳам эшита билган эркакларни қадрлашаркан. Ўзидан атир ҳиди таратиб юрадиган эркакларни эса иккинчи уринга қўйишган. Сўнг қадди-баста келишганлар, спортчилар, ақллилар, дид билан кийнадиغانлар ва самимий эркаклар ҳам ҳурмат-этиборга сазовор эканлиги айтилган.

**КЎП МАРТА ҚОЙДАЛАНСА БЎЛАДИ**

Япониянинг "Жепен" врозкастинг кикай фирмаси қозғонинг янги турини ўйлаб топди. Унда эзилган ёки печатланган ёзувларни ўчириб ташлаб, бир неча марта қойдаланса бўлади.

Қоғоз махсус модда билан қопланган бўлиб, агар у сувга солинса ёки сув буғи билан пуфланса, ёзув ўчи кетади. Фақат шунини айтиш лозимки, бу янги қоғоз ҳозирча оддий қоғозларга қараганда анча қimmatга тушади.

**БЎЙГА ҚАРАБ**

Канаданинг Торонто шаҳрида болалар автобус, метро, троллейбусларда бўйларига қараб ўлқира ҳақи тўланади, яъни транспорт эшиклари олдида 11 ёшли боланинг ўртача бўйига тенг боландликда белеи қўйилган.

Кимки ўшандан past бўлса, болалар паттаси учун пул тўлайди, катта бўлса катталар билан тенг ҳақ тўлайди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда амриколик болалар анча бўйдор бўлиб боришмоқда. Бундан 70 йил аввал уларнинг ўртача бўйлари 130 сантиметр бўлган бўлса, ярим аср муқаддам эса 6 сантиметр ўсган. Эндиликда 11 ёшли канадаликнинг ўртача бўйи 150 сантиметрни ташкил этади.

**М.ИСЛОМОВА**

тайёрлади.

**Байрам ҳазиллари**  
 Ўзбекистон Халқ артисти, таниқли созанда  
 Турғун АЛИМАТОВАга  
**Қалб саҳнида тарих пардасин**  
**Бир чертимда тортиб юборар.**  
**Бу не гавго кўкак етди деб**  
**Беҳишт булбуллари ёлборар.**

**Олам кезар на “нота дафтар”,**  
**На оркестр кўшилиб борар.**  
**Оддийгина дўпписин кийиб**  
**Бир танбурда дунёни олар...**

**Еш ўзбек боксчиларига**  
**Хар зарбида юрак зарби бор,**  
**Кўли баланд келаверади.**  
**Ҳамма голиб деб турар, баъзан**  
**Ҳакам янглиш қилаверади.**

**Шерюраксиз, ўша сиз билган**  
**Қирқ биринчи усулда уринг.**  
**Ҳакамларни доғда қолдириб**  
**Энди фақат “накаут” қилинг.**

**Таниқли режиссёр ва дубляж актёри**  
**Санжар САЪДУЛЛАЕВга**  
**Ҳамма танир чикса ҳам**  
**Хорижликлар отида.**  
**Асли ролнинг ярмини**  
**Ўйнар саҳна ортида.**

**Десам элни экранга**  
**Телесериал тўплар.**  
**Санжарнинг овозига**  
**Маҳлиё экан кўплар.**

**Дедилар, хуш овози**  
**Етти иқлимга етган.**  
**У “Орият-Доно”га**  
**“Фонус” ёққани кетган.**  
 Дилором МАТКАРИМОВА

**Қадимий Бухоро... Илм-фан, маданият, меъморчилик, хунармандчилик ва савдо маркази тарзида бой тарихи билан тилларда дoston бўлган юрт.**  
**Абдурахмон Тамкин Бухорий, Абдулазим Шайрий, Мирза Салимбек, Садр Зиё, Мирзо Абдулазим Сохий, Мирсиддиқ Хошмат, Насриддин Тўра, Мусожон Саиджоновлар каби тарихчилар эса XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухорода келажак авлодларга сабоқ бўларли илмий мерос қолдиран ижодкорларидир. Кейинчалик Бухоро тарихнавислик мактабининг йирик намоёндаларидан бирига айланган Аҳмад Дониш ҳам уларнинг сафида эди.**

Аҳмад Дониш 1827 йили Бухоро шаҳрида имом оиласида таваллуд топган. Унинг отанаси ҳам ўз замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлган. Аҳмад Донишнинг отаси Носир Бухоро мадрасаларидан бирида дарс берган. Аҳмад Дониш дастлабки саводини онасидан олган, кейин мактабда, мадрасада тахсил кўрган. Ёшлигидан илм олишга қизиқиб, мадрасада ўқиган йилларида адабиёт, тарих, фалсафа, математика, геометрия, астрономия илмларини мустақил ўрганди, нақошлик, хаттотлик, мусаввирлик, муҳандислик, musiқа сингари турли соҳаларни мукаммал эгаллади ва халқ орасида шухрат қозонди.

минора ва масжиди, Лаби ховуз, Исмоил Сомиий мақбараси, савдо иншооти-

## ВАТАНИГА МУШТОҚ ИЛМИЙ МЕРОС

ёки юртдошларимиз нигоҳидан йироқда турган Аҳмад Дониш яратган топографик харита ҳақида

Аҳмад Дониш ўзидан олдин ўтган буюк алломалар, мутафаккир олимлар асарларини пухта ўрганди. Диний ва дунёвий илмлар билимдони Аҳмад Дониш 1850 йилларда Бухоро амири Насрулло (1826-60) саройида хаттот ва меъмор вазифаларида самарали ишлади. У кейинчалик бош меъмор даражасигача кўтарилди, Бухоро шаҳридаги олий даражадаги бинолар, саройлар, қошоналар қурилишига бош-қош бўлди. Аҳмад Дониш XIX асрнинг ўрталарида Бухоро шаҳри ва унинг атрофларидаги ҳудудларнинг топографик харитасини аниқ чизиб ифодалади. Харитадаги топографик жойлар номи ва ҳошиядаги матнлар тожик тилида бўлиб, араб алифбосида ёзилган. Харитада Бухоро ҳамда унинг атрофидаги қишлоқлар ва экин майдонлари, шаҳарнинг ён томонидан умумий кўриниши тасвирланган.

Харитада сув иншооти бўлган бош канал шаҳарни уч жойидан кўндалангига кесиб ўтган. Шаҳар атрофидаги экин майдони тўқ яшил тўри чизилар билан, қишлоқлар эса қизил чизикли тўри тўрт бурчаклар билан ифодаланган. Харитада шаҳарнинг баъзи жойлар билан оралик масофаси, шаҳар қалъасининг айланаси, масжидлар сони 390 та, унинг ичи ва ташқарисидagi барча ховузларнинг сони эса 350 та эканлиги кўрсатилган. Бухорода 250 та мадраса бўлиб, уларнинг ҳар бирида 300 дан то 500 тагача ҳужра борлиги, шунингдек, бозор майдонлари, савдо расталари ва дўконлари ҳам харитадан ўз ўрнини топган.

Харитани тайёрлашда Аҳмад Дониш тузган харитадан бевосита фойдаланилган. Афсуски, бу ноёб тарихий-географик, илмий аҳамиятга молик топографик харита 1858 йили Россиядан Бухорога юборилган элчилар билан бирга келган шарқшунос П.И.Лерх томонидан Санкт-Петербургга олиб кетилган эди. Шунингдек, Лерх яна 30 та ноёб шарқ кўлэмга асарларини ҳам ўзи билан олиб кетган. Аҳмад Дониш томонидан тайёрланган Бухоронинг XIX аср харитаси ҳозирги кунда Россия Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг Санкт-Петербург бўлими фондида сақланмоқда. Бу қимматли нодир тарихий меъморий обидаларини ўз ичига олган мазкур географик ва топографик харитани Санкт-Петербург илмий муассасаларидан излаб топиб, уни XX асрнинг 60 йилларида илмий асосда ўрганиб, бу ҳақда “Фан ва турмуш” ва Ўзбекистон ижтимоий фанлар журналида илмий мақола чикарган таниқли қадимшунос олим, тарих фанлари доктори, академик Абдулахад Муҳаммаджоновнинг хизматлари айниқса каттадир. Бу харита Марказий Осиё халқларининг топографик меросини ўрганаётган географ, элшунос ва меъморшунос олимлар учун ҳам, шунингдек, Бухоронинг XIX аср тарихи, меъморий обидалари, суғориш иншоотлари, шаҳар мудофаа девори ва дарвозалари, маҳаллалари, бозор майдонлари, савдо расталари, карвонсаройлари ва бошқа томонларини ўрганувчилар учун ҳам муҳим маълумотлар бериши мумкин бўлган нодир илмий меросдир. Халқимизнинг мазкур бойлиги ўз Ватанига — Ўзбекистонга қайтиши керак. Мазкур ноёб илмий мерос ватанига муштоқ, унга эса юрти, юртдошлари ҳам муштоқдир. Зеро, Ватан сари йўл бордир. У узоқ, машаққатли, аммо азият!

Гулсара ОСТОНОВА



**ОСТОНОВА Гулсара** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди. Олима асосан Ватанимиз тарихи, хусусан, қадимий Бухоро хонлигининг тарихи — унинг маъмурий бўлиниши, ер-сув эгаллиги, солиқ муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалари тарихини ўрганиш билан шуғулланади.



### МУНАЖЖИМАЛАР

- КҲҲ (21.03-21.04)**  
Қишларга нисбатан олийжаноб муносабатда бўлишингиз турфаили барчанинг хушамига сазовор бўласиз. Байрамни кутаринки кайфиятда ўтказасиз.
- СИГИР (22.04-20.05)**  
Яқин кунларда янги иқодий режаларингизни амалга ошириш билан банд бўласиз. Янги йил байрами ҳам шундай ташвишларда ўтади.
- ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**  
Сиз узоқ вақтлардан бери кутаётган фойдали хамкорлик ҳақида таклиф билдиришлари мумкин. Лекин байрам кунларини оила даврасида ўтказинг.
- КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)**  
Байрамолди кунлари бўлишига қарама-қарши бўлмаган турли катта-кичик юмушларни адо этишга мажбур бўласиз.
- АРСЛОН (23.07-22.08)**  
Бир эмас, бир неча кун давомида ҳеч қандай жиддий иш билан машғул бўлмай, фақатгина байрамона меҳмондорчиликларда бўлишингиз мумкин.
- ПАЗИЗОД (23.08-22.09)**  
Айни кунларда касбий фаолиятингизда катта муваффақиятга эришингиз мумкин. Уйда эса яқинларингизнинг меҳри сизга катта қувват беради.
- ТАРОЗИ (23.09-22.10)**  
Янги йил байрамига бағишланган тантаналарда сиз нафақат кўнгилли ҳордик чикарасиз, балки янги хамкорлар билан ҳам танишасиз.
- ЧАЁН (23.10-22.11)**  
Қандай шароитда ишлашингиздан катъий назар моддий манфаат кўришингиз мумкин. Жуда кичик юмушлар ҳам катта фойда келтиради.
- ЎҚОТАР (23.11-21.12)**  
Янги йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишга ҳаракат қилинг, айниқса, янги йил кечасида калтис ҳаракатлар ва сўзлардан сақланг.
- ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)**  
Атрофингиздагилар сизнинг кутилмаган совғаларингиздан шундай закланишдики, бунинг учун қилган катта ҳаракатларингизга ҳам ачинайсиз.
- КОВҒА (20.01-18.02)**  
Бир-биридан ажайиб режалар, ғояларни истаганингизча тузишингиз мумкин, фақат молиявий ишларни бироз кечиктириганингиз маъқул.
- БАЛИҚ (19.02-20.03)**  
Байрам баҳонасида бир неча кунни оила аъзоларингиз даврасида ўтказасиз. Бундан ўзингиз ҳам, яқинларингиз ҳам бахтиёр бўладилар.



**ХУШ КҲРДИК, ХҲРОЗ!**  
 Шарқ йилномасига кўра 2005 йил Хўроз йили ҳисобланади. Манбааларда ёзилишича, Хўроз йили кутилмаган воқеаларга бой бўлади. Файрати жўшган, жасур ва мард инсонларга йил давомида омад кулиб боқар экан. Демак, ҳар биримиз келаятган янги йилда бунёдкорлик ва яратувчанлик йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг самарали бўлишини, қувончли ва кўнгилли воқеаларни кутишга ҳақлимиз...



## КРОССВОРД

**БҲЙИГА:** 1.Қишнинг зийнати. 2.Илмзор. 3.Ғоят, ниҳоятда. 4.Қатъий қелишув, ваъда. 6.Электрон ҳисоблаш машинаси. 8.Волида. 9.Рухсат. 11.Давлат бошлиғи (қадимда). 12.Пайғамбар. 14.Бева. 15.Йўқ, сон. 17.Кишилик олмоши. 18.Ўзал жонивор. 20. ... деса қўлга қўнган (ибора). 21.Азиз неъмат. 23.Маржон. 24.Одам танаси қисми. 26.Сувнинг кристал ҳолати. 28.Инсониятнинг ташқи кўриниши нуктаи назардан бўлиниши. 29.Номус. 30.Падар (шевада). 31.Республикамиздаги вилоят. 32.Дашт номи. 33.Қўли бурон. 34.Шўро тузуми сийасатига хос ҳаракат. 35.Адолатли. 36.Нота. 38.Рад қилиш. 40.Саводсиз. 42.Ту-тун чикиши учун мўлжалланган мослама. 44.Катта. 45. Қамонга ташбев қилинган инсон аъзоси. 46.Ғанг. 47.Нота. 49.Дастлабки. 55.Закий, олғир. 57.Шабақ. 58.Қўлги том битан. 59.Халқаро ташкилот номи. 61.Х.Колумб кашф этган қутъа. 62.Харбий унвон. 63.Байрам. 64.“Сайёҳатнома” муаллифи. 65.Пардоз анжоми. 66.Адолат. 68.Кўмакчи(шеърятда қўланиши). 69.Ахборот агентлиги(қискартмаси). 71.Европадаги қадимий империя. 73.Кимёвий элемент. 74.Асорат. 75.Калтакла, мушгла... 76.Кичик сув транспорти. 77.Сувда яшовчи жонивор. 78.Тунинг акси. 80.Туппор. 82.Осимон узок, ... каттик (мақол). 84.“Рамаяна” достони.

**ЭНИГА:** 1.Янги йил ҳақрамони. 2.Давр. 4.Урта. 6.Соҳиб. 7.Нихоя. 9.Ишора. 10.Нам. 12.Ука. 13.Қасам. 15.Хўл мева. 16.Машаққатли йўл. 18.Чипор. 19.Томон. 21.Пайғамбар. 22.Ваъда. 24. ... жинс. 25.Егочдан асалган буюм. 27.Вертикал. 29. ... маҳалла йили. 31.Саломнинг жавоби. 33.Калтак. 35.Зулим, ситам. 37.Ойир. 39.Якка, жуфт эмас. 41.Россиядаги дарё. 42.Ер ҳайдаш мосламаси. 43.Баҳор гули. 48.Фасл. 50.Харолат. 51.Фитон. 52.Соғ-саломат. 53.Қадим. 54.Маърака. 56.Жун. 60.Богловчи. 67.Тигиз. 69.Чуқур, қавақ. 70.Жанговар машина русуми. 72.Она. 74.Ришта. 76.Дил. 78.Сочи йўқ. 79.Ризо. 81.Тана қопламаси. 83.Буйруқ. 85.Тўқ. 87.Ҳамдустлик давлатлари (қискартмаси). 89.Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германияда юз берган давлат бўлинишидан сўнг ҳосил бўлган Республика. 91.Тоғдаги бўшлиқ. 93.Кимёвий атама. 95.Ўзбек уруғларидан бири. 97.Сув юзюда юриш учун ясалган турунлар жамламаси. 99.Ҳақиқат. 100.Тилги асбоб. 101.Россиядаги дарё. 103.Оғиз бўлишидаги аъзо.

Тузувчи: Фаррух БҲТАЕВ

“Тошкент вилоят давлат кадастр” Бошқармаси томонидан Паркент туманидаги “Носир-ота” хусусий фермер ҳўжалигига 06.09.2002 йилда берилган TV 005840 сонли кадастр гувоҳномада йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги “TURFA QOQ OZ DUNYOSI” МҲЖ ўз Низом жамғармасини 32640000 сўмдан 326400 сўмга қадар камайтираётганини маълум қилади. Давьолар эълон чоп этилганидан сўнг бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 191-65-95

Утеранный аттестат № 911567 выданный средней школой (№55) №289 Бектемирского района г. Ташкента в 1983 г. на имя Ким Анатолия Константиновича считать не действительным.

ЧП “FUTURE GENERATION” зарегистрированный в Яккасарайском р-не г.Ташкента реорганизуется в ООО “FUTURE GENERATION”. Претензии принимаются в течение месяца со дня опубликования объявления. Тел: 134-88-21.

Тошкент шаҳар Бектемир туманида рўйхатга олинган “Дурдона Холис” хусусий фирмасига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампга йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

**Mahalla**  
 Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

**Тахрир хайъати:**  
 Аъзам ГАДОЙБОВ,  
 Акмал САИДОВ,  
 Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,  
 Бобур АЛИМОВ,  
 Рустам ҚОСИМОВ,  
 Расул РАҲМОНОВ,  
 Мавлуда ҚОСИМОВА  
 (бош муҳаррир ўринбосари),  
 Бахтиёр РИЗАЕВ,

Шўхрат РИЗАЕВ,  
 Бехбуд ЖУМАЕВ,  
 Таънаберди ҚУРБОНОВ,  
 Эркин ФУЛОМОВ.

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.  
 А-2, 2 босма тобоқ.  
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.  
 Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

**Телефонлар:**  
 Кабулхона — 136-53-93.  
 Тел/Факс: — 133-44-25.  
 Масъул котиб: 136-53-75  
 Хатлар бўлими: 136-57-62.